

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ҒАЗНА ИЖРОСИНИНГ  
НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

**Касимова Гулляр Ахмадовна –**  
ТМИ “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси проф.в.б.  
**Шолдаров Дилшод Азмиддинович –**  
ТМИ “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси мудири, PhD.  
**Шарохматов Абдараҳим Абдуламитович –**  
ТМИ магистранти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет ижросида ғазначилик тизимидан фойдаланишининг аҳамияти ҳамда маҳаллий бюджет ғазна ижросининг ўзига хос ҳусусиятлари ёритилган. Ғазначиликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш масалалари ўрганилган.

**Таянч тушунчалар:** маҳаллий бюджет, ғазначилик тизими, ижтимоий соҳа, давлат ижтимоий сиёсати, ижтимоий дастурлар, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат хариди, шартнома.

**ТЕОРЕТИКО - МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСПОЛНЕНИЯ МЕСТНОГО  
БЮДЖЕТА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

**Касимова Гулляр Ахмадовна –**  
почетный профессор кафедры “Бюджетный учет и казначейство” ТФИ,  
**Шолдаров Дилшод Азмиддинович –**  
PhD. зав. кафедры “Бюджетный учет и казначейство” ТФИ,  
**Шарохматов Абдараҳим Абдуламитович –**  
магистрант ТФИ

**Аннотация.** В данной статье освещено важность казначайской системы в исполнении местного бюджета в Республике Узбекистан и особенности казначайского исполнения местного бюджета. Изучено вопросы обеспечения открытости и прозрачности в деятельности органов государственной власти и государственной казны.

**Ключевые слова:** местный бюджет, казначайская система, социальная сфера, государственная социальная политика, социальные программы, образование, здравоохранение, госзакупки, договор.

**THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF EXECUTION OF THE LOCAL  
BUDGET IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Kasimova Gulyar Axmadovna –**  
Honorary Professor of the Department of  
“Budget accounting and treasury” of the TFI,  
**Sholdarov Dilshod Azmiddinovich –**  
head teacher PhD. of the Department of  
“Budget accounting and treasury” of the TFI,  
**Sharokhmatov Abdarakhim Abdulamitovich –**  
master's student of the TFI

**Annotation.** This article highlights the importance of the treasury system in the execution of the local budget in the Republic of Uzbekistan and the features of the treasury execution of the local budget. The issues of ensuring openness and transparency in the activities of public authorities and the state treasury have been studied.

**Key words:** docal budget, treasury system, social sphere, state social policy, social programs, education, health care, public procurement, contract.

**Кириш.** “Бюджет тизими бутун республика худудида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг бир бутун тизимига асосланади. Бюджет тизими бўғинлари биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет

тизими яхлитлиги бюджетга доир режалаштириш ва ижро қилиш услубиётини ташкил этиш бир бутунлигини кафолатлайди” [9].

Маҳаллий бюджетлар орқали худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминланади. Худудий мақсадларга мўлжалланган жамғармаларнинг шаклланиши юз беради, яъни умумдавлат пул жамғармасининг мураккаб тақсимланиш

жараёни амалга оширилади. Маҳаллий бюджет маблағларнинг эгаси сифатида амалдаги қонун хужжатларига асосланиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Маҳаллий бюджет харожатларига маблағлар ажратиш махаллий ҳокимият органлари, давлат бошқарув органлари, молия, ғазначилик органлари иштирокида молия йилида сарф-харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз беради.

Бугунги кунда давлат томонидан мамлакат худудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тартибига солишнинг самарали механизмини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъулиятини янада ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган янги бюджет тизими жорий этилди. Илк бор, “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси-нинг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан “маҳаллий бюджетлар харажатлари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди” [2].

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи ғазначилик тизими, бюджет сиёсати ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъ-

минлаш асосидаги ўта масъулиятли вазифаларнинг самарали бошқарилишини талаб этади. Ушбу вазифанинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир. Биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки худудий иктиносидёт муаммолари кескинлашуви олдининг олинишидир. Иккинчидан, маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда харажатларни тўлаш имкониятларини яхшилаш зарурлигидир. Ҳар икки жиҳатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргаликда олиб борилиши худуд ижтимоий-иктисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги ўт муҳим муаммасини ижобий ҳал этишга имкон беради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бюджет қонунчилигимизда таъкидланишича, маҳаллий бюджет давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари иктиносидий фаолият юритиши маҳаллий бюджетнинг даромад манбалари мавжудлиги билан характерланади. Маҳаллий ҳокимият органлари ўз худудларида турли йўналишдаги вазифаларни бажаришлари учун етарли миқдорда молиявий маблағга эга бўлишлари зарур. Маҳаллий бюджетлар қўйидаги асосий вазифаларни бажаради (1-расм).



**1-расм. Маҳаллий бюджетларнинг асосий вазифалари**

**Манба:** Тадқиқотчилар томонидан меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган.

Давлат бюджети таркибидаги маҳаллий бюджетларнинг ғазна ижроси бюджет жараёнидаги асосий босқичлардан бири ҳисобланадики, бунда белгиланган истиқбол кўрсаткичлари, тасдиқланган режалар ва қабул қилинган дастурларнинг амалиётдаги ижроси кузатилади. Бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини амалга ошириш имкониятини беради. Бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида эса молиявий

ресурслардан аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий-маданий тадбирларга маблағларни кўпайтириш, худудий иктиносидётни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

“Ғазначилик тизимининг фаолияти нафакат молиявий ресурсларни сафарбар қилиш орқали маҳаллий бюджет харажатларини мунтазам равишда самарали бошқаришга шароит яратади, балки, улар устидан дастлабки ва жо-

рий молиявий назорат қилиш имконини ҳам беради”[8].

Ғазначилик тизими давлат молиясини самарали бошқариш учун ҳам, ундан оқилона фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш учун ҳам замин яратади. Буни эса қуидагича изоҳлаш мумкин. “Биринчидан, ғазначилик давлат бюджетининг ижроси жараёнида юзага келадиган даромад ва ҳаражатларни Ягона ғазна ҳисобварағида жамлайди. Маблағларнинг Ягона ғазна ҳисобварағига солиқли ва солиқсиз даромадлар кўринишида келиб тушиби молиявий ресурсларни тезкор бошқариш ва республика бюджети ва маҳаллий бюджет ҳаражатларини ўз вақтида тўлаш учун барқарор база яратади. Иккинчидан, дастлабки молиявий назоратни амалга ошириш учун шароит юзага келади, бюджет маблағлари кўзда тутилмаган мақсадлар учун ажратилмайди. Давлат бюджетининг мақсадли ва тўғри фойдаланилиши якуний назорат ўрнатиш орқали амалга оширилади”[15].

**Тадқиқот методологияси.** Маҳаллий бюджет ғазна ижросида ғазначилик тизимидан

фойдаланиш ҳамда маҳаллий бюджет харажатларидаги давлат хариди жараёнида ғазначилик назорати бўйича дунё олимлари ва иқтисодчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни ўрганиш, маълумотлар тўплаш, тўплangan маълумотларни таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Маҳаллий бюджетнинг ғазна ижроси тартиби бюджет ташкилотларининг товар етказиб берувчилар, иш, хизматлар бажарувчилар - маҳсулот етказиб берувчилар билан шартномаларини, шу жумладан, капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномаларини рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш, турли даражадаги маҳаллий бюджетлар харажатларининг тўланиши, шунингдек Ғазначилик бўлинмалари томонидан ғазна ҳисобварақларидан маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари, субвенция ва дотацияларни амалга ошириш тартиби белгиланди” [4].

### **Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджетлараро трансферлар миқдорлари**

*млрд. сўмда*

т/р	Худудлар номи	2019 й	2020 й	2021 й
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	-	-	1 301,4
2.	Андижон вилояти	1379,3	616,2	876,7
3.	Бухоро вилояти	-	-	440,0
4.	Жиззах вилояти	730,6	448,2	490,0
5.	Қашқадарё вилояти	-	758,1	1 577,3
6.	Наманган вилояти	1312,2	977,7	1 284,0
7.	Самарқанд вилояти	1760,9	321,8	1 102,7
8.	Сурхондарё вилояти	1214,8	839,1	1 293,6
9.	Сирдарё вилояти	481,1	343,9	534,3
10.	Фарғона вилояти	-	351,9	910,1
11.	Хоразм вилояти	884,2	457,0	632,9
<b>Жами</b>		<b>7763,1</b>	<b>5 113,9</b>	<b>10 443,0</b>

**Манба:** Тадқиотчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2021 йилда 2019-2020 йилларга нисбатан юқори бюджетдан бюджетлараро трансферлар ажратиладиган худудлар сони ортган. Республика-мизнинг бир қатор худудлари ўз ҳаражатларини қоплаш учун бюджетлараро трансферлар кўринишида молиявий ресурслар билан таъминланади. 2019 йилда жами 7 та худуд маҳаллий бюджетларига жами 7763,1 млрд.сўм бюджетлараро трансферлар ажратилган бўлса, 2020 йилда эса 9 та худуд маҳаллий бюджетларига жами 5113,9 млрд.сўм, 2021 йилда 11 та худудларга 10443,0 млрд.сўм бюджетлараро трансферлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг 62,8 фоизи 5 та худудга, яъни

Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келди. Мамлакат худудлари молиявий мустақиллигини таъминлаш ҳамда уларнинг ўз даромадларини ошириб боришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 2020 йилдан барча худудларга бюджетлараро трансферлар миқдорининг камайганлигини кўришимиз мумкин. Лекин 2021 йилда бюджетлараро трансферлар миқдори ҳамда ажратилаётган худудлар сони ортганлигини кўришимиз мумкин.

2020 йилда маҳаллий бюджет даромадлари ва ҳаражатлари 2019 йилга нисбатан камайган бўлса, 2021 йилда эса аввалги йилларга

нисбатан даромадлар камайиш тенденциясига, харажатлари эса ўсиш тенденциясига эга бўлган ҳолда юқори бюджетдан молиявий ёрдам олувчи худудлар сони ортди. Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, бир қатор вилоятлар маҳаллий бюджетлари даромадлари маҳаллий бюджетлар харажатларидан камни ташкил этди. Жумладан, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари харажатлари даромадларидан ортиқни ташкил этди.

“Ўзбекистонда бугунги кунда Давлат бюджети ғазна ижросининг қуидаги элементлари, яъни бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағлар олувчилар билан маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатга олиш ва уларнинг харажатлари тўланишининг камерал назорати, Ягона ғазна ҳисобварағидан республика ва маҳаллий бюджет харажатларни тўлаб бериш, бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг Газначилик органларида очилган ҳисобварақларидаги молиявий жараёнларни амалга ошириш, ҳисобга олиш ва қисман халқаро андазаларга асосланган бюджет таснифи ва Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш элементлари қўлланилди. Ягона ғазна ҳисобварағи ликвидлигини муайян даврда Давлат бюджети, жумладан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан пул мажбуриятларини ўз вақтида тўлашни амалга ошириш қобилияти сифатида таърифланади”[10].

*2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...солиқ юкини камайтириш ва солиқча тортиш тизимини соддалаштириши сиёсатини давом этитиши ҳамда харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларida мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш” алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланган” [5].*

Маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш, харажатларини барқарорлаштириш, уларнинг даромад базасини кенгайтириб бориши долзарб масалалардан биридир. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси худудларда яратилаётган миллий даромад, яъни ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, даромадларнинг доимий ва бир маромда тушиши билан бевосита боғлиқ. Маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг ички резервлари худудларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Маҳаллий бюджетнинг даромадлари қуидагилар ҳисобидан шакллантирилади: 1) бел-

гиланган нормативларга мувофиқ; фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ; 2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; 3) мол-мулк солиғи; 4) ер солиғи; 5) қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ; 6) айланмадан олинадиган солиқ; 7) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 8) автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва республика худудига вактингчалик олиб кирганлик учун йигим; 9) бошқа даромадлар.

Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, Ангрен шаҳар бюджетини тасдиқланган режаси 66.578 млн. сўм белгиланган, ҳақиқатда тушум ижроси 70.913 млн. сўмни ташкил қилган ва тасдиқланган режага нисбатан 4.335 млн. сўмга яъни (107,0 %) ортифи билан бажарилган. Ангрен шаҳар бюджетидан қуидаги маҳаллий бюджет харажатлари амалга оширилади:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

Шаҳар халқ таълими бўлимлари ва мактабгача таълим бўлимларини, шунингдек улар тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларини, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасаларини сақлаб туриш ҳамда қонун хужжатларида шаҳарбюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидағи тадбирлар харажатлари;

шаҳар тиббиёт бирлашмаси, шаҳар марказий поликлиникаси ва койкасиз диспансерлар, шаҳартибиёт бирлашмалари тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари, оиласий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларини, шаҳар санитария-эпидемиологик осоиышталиқ ва жамоат саломатлиги бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

шаҳар маданият бўлимлари тасарруфидаги маданият муассасаларини, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари тасарруфидаги жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданиятни, жисмоний тарбия ва спортни, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

йуда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тутатища иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

кам таъминланган оиласаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, шунингдек табиий

оғатлардан жабрланган оилаларга моддий ёрдам тұлаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

Шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари, лабораторияларни, ирригация тизимларининг ҳавза бошқармалари ҳузуридаги шаҳарирригация бўлимларини сақлаб туриш;

аҳоли пунктларидағи кўчаларни, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш;

3) шаҳар ҳокимлигини ҳамда уларнинг бўлимларини, шунингдек шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган давлат бошқаруви органларининг бошқа худудий бўлинмаларини сақлаб туриш харажатлари; 4) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

5) шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари.

## 2-жадвал

### **Ангрен шаҳар бюджети харажатларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисида маълумот**

Харажатлар	Бўлим	Кичик бўлим	Аниқланган режа	Маблағ ажратиш	Бюджет ижроси	
					касса	хақиқий
Умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари	7010	0	17 646 503.74	22 005 658.51	22 005 658.51	21 878 838.40
Иқтисодий масалалар	7040	0	1 602 285.00	1 610 676.34	1 610 676.34	1 720 686.80
Ўй-жой ва коммунал хизматлар	7060	0	9 629 954.81	9 622 534.68	9 622 534.68	9 842 367.40
Соғлиқни сақлаш	7070	0	80 500 709.05	80 850 775.94	80 850 775.94	88 056 488.60
Дам олиш, маданият, спорт	7080	0	6 425 864.67	6 422 944.23	6 422 944.23	5 733 240.70
Таълим	7090	0	24 981 219.63	24 637 544.42	24 637 544.42	24 311 022.70
Ижтимоий химоя	7100	0	11 767 717.46	11 764 925.57	11 764 925.57	11 759 276.60
Харажатлар	7000	0	152 554 254.36	156 915 059.69	156 915 059.69	163 301 921.20
Турли даражадаги давлат бошқарув органлари ўртасидаги умумий тусдаги трансферлар ва қарз олиш	7018	0	22 185 289.27	18 622 693.53	18 622 693.53	0
Бошқа бюджет ва жамғармаларга бериладиган маблағлар	7018	500	22 185 289.27	18 622 693.53	18 622 693.53	0
Жами харажатлар	7980	0	174 739 543.63	175 537 753.21	175 537 753.21	163 301 921.20
Даромаднинг харажатдан ошган қисми	7970	0	0	2 363 940.63	2 363 940.63	0
Бюджетларнинг йил бошига эркин колдиги	7798	0	5 464.42	5 464.45	5 464.45	0
Йил бошига айланма касса маблағлари	7799	0	1 816 455.00	1 816 455.00	1 816 455.00	0
БАЛАНС	7990	0	176 561 463.05	179 723 613.29	179 723 613.29	163 301.921.20
Йил бошига қолдиқ маълумот учун	7898	0	0	7 163 550.42	7 163 550.42	0
Йил охирига қолдиқ маълумот учун	7899	0	0	4 185 860.08	4 185 860.08	0

**Манба:** Тадқиқотчилар томонидан 2020 йил Ангрен шаҳар бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотлар асосида тузилган.

2-жадвалда берилган таҳлил маълумотлари га кўра, Ангрен шаҳар бюджети харажатлари аниқланган режа 174 739,6 млн. сўмни ташкил қилган ҳолда амалдаги касса ижроси 175 537,8 млн. сўм (101,0%) бажарилиши таъминланган. Таълим соҳасида аниқланган режа 24 981,2,6 млн сўмни ташкил қилади, амалдаги касса ижроси 24 637,5 млн сўм, режага нисбатан 98,6 %га; соғлиқни сақлаш соҳасида аниқланган режа 80 500,7 млн сўмни ташкил қилади, амалдаги касса ижроси 80 850,8 млн сўм, режага нисбатан 100 %га; маданият соҳасида аниқланган режа 6 425,8 млн сўм, амалдаги касса ижроси 6 422,9 млн сўм, режага нисбатан 99% га; давлат бошқарув идораларида аниқланган режа 22 185,3 млн сўм, амалдаги касса ижроси 18 622,7 млн сўм режага нисбатан 83,9% га; умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари ва иқтисодий масалалар бўйича аниқланган режа 19 248,8 млн сўм, ўзлаштириши 23 616,4 млн сўм, режага нисбатан 122 %га; ижтимоий нафақалар учун аниқланган режа 11 767,7 млн сўм амалдаги касса ижроси 11 764,9 млн сўм, режага нисбатан 100 %га бажарилиб, умумий харажатлар билан

даромадлар мутаносиб равища бажарилиб келинган.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий бюджет ғазна ижроси тўғрисидаги ҳисоботларда даромадлар ва харажатларнинг тасдиқланган режага нисбатан бажарилиши ҳолати таҳлили ҳамда уларнинг баланслигини таъминлаш устувор санаалган вазифа қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизими ни янада такомиллаштириш зарур. Бюджет ҳисобидан маблағ ажратиладиган ҳар қандай дастур ёки лойиҳанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат, натижага йўналтирилган индикаторлари бўлиши керак”[7]. Давлат бюджети ғазна ижроси шароитида давлатнинг молиявий назоратини кучайтириш, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилярнинг товарлар, ишлар, хизматлар учун давлат хариди нархларини самарали шакллантириш тартибини тубдан ўзгартириш, ижтимоий соҳага қарашли бюджет ташкилотларининг юридик ва молиявий мажбуриятларини бошқариш ишларини ривожланишига қулай имконият яратилди. “Чунки солиқ-

бюджет сиёсатига қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш... – ушбу энг муҳим вазифаларни амалга ошириш, аввало, Молия вазирлиги ва шахсан вазирнинг фаолияти самарадорлиги билан белгиланади” [6].

Маҳаллий бюджет ғазна ижросида давлат харидлари тизимидағи назорат олдида турган вазифа - бюджет ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг назоратини таъминлаш ва улардан мақсадли фойдаланишга ҳамда тежашга риоя қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли қарори билан давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати белгилаб берилди ва бунда бюджет буюртмачилари шартномаларини ғазначилик бўйламида тўғридан-тўғри рўйхатдан ўtkазиш хуқуки белгиланган.

Биз давлат хариди давлат ва жамият томонидан бошқариладиган жараёнлардан бири деган хulosага келишимиз мумкин. Шунга қарамай, давлат харидларида кўплаб коррупция ҳолатлари оммавий ахборот воситаларида кун мавзусига айланниб бормоқда. Йилдан-йилга молиявий назорат ўтказилиб, бюджет маблағларни йўқотиш, рақобатни бузиш, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ бузилишлар аниқланди. Давлат харидларининг белгиланган нормаларига мувофиқ ғазначилик томонидан амалга оширилаётган молиявий назорат харидлар циклининг барча босқичларини қамраб олади. Ғазначилик томонидан давлат харидлари жараёнида дастлабки назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидлари”га асосан амалга оширилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Иқтисодиётда бозор муносабатлари тобора ривожланаётган бир пайтда давлат доимий вазифаларини бажариши учун худуд миқёсида марказлашган молиявий маблағларга эга бўлиши зарурияти янада кучаяди. Айниқса, Ўзбекистон демократик фуқаролик жамияти қуришни ва бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига киришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган вазиятда марказлашган пул фонdlарини шакллантириш беқиёс ўрин тутади. Маҳаллий давлат бошқарув органлари демократик давлат тузилишининг муҳим таркибий қисми ҳисбланади, улар зиммаларидағи

вазифаларини бажаришлари учун муайян мулкка ва молия-бюджет хуқуқига эга бўлишади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ҳокимлар, халқ депутатлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида ҳудудларнинг молиявий фаолиятини амалга оширадилар. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият кўрсатишлирида муҳим молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларини бажарилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради. Маҳаллий ҳокимият органлари га маҳаллий бюджет даромадларини қўпайиши ва ресурсларни тежамкорлик билан сарфланиши вазифаси юклатилади.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджет мамлакат миллий хўжалигини молиявий жиҳатдан тартибга солиш, ғазначилик шароитида маҳаллий бюджет даромадларини режалаштириш ва бюджет харажатларини молиялаштириш жараёнларини самараали ташкил этишда долзарб вазифани бажаради.

Ғазначиликда дастлабки назорат молиявий операцияларни амалга оширишдан олдин ўтказилади, шунинг учун огоҳлантирувчи хусусиятга эгадир. Чунки, короновирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатида иқтисодий-молиявий хатолар, хўжасизлик ва қонунбузарликлар натижасида юзага келадиган зарарлар, зиёнлар ва йўқотишлар кўпайиши мумкин эмас. Давлат харидида хатоларни имкон қадар камайтириш учун ноқонуний ҳаракатлар, камчиликлар ва тартиб бузарликларнинг олди олиниши керак. Ғазначиликнинг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқарувни органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш бюджет ташкилотлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий хизмат кўрсатишига қаратилган давлат ва маҳаллий бошқарувининг замонавий ташкилий шакли десак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини ислоҳ қилишдаги муҳим босқичлардан бири бу – маҳаллий бюджет ижросининг ғазначилик тизимига ўтилганлиги десак ҳеч адашмаган бўламиз. Бюджет ташкилотларининг юридик мажбуриятларини рўйхатдан ўтказиш давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш ва давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиши ташкил қилишнинг зарурий жараёнидир. Шунингдек давлат бюджети маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтишнинг асосий мақсадларидан бири

қилиб белгилаб олинганлиги мазкур соҳага билдирилган беқиёс ишончнинг исботидир.

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси бюджет ва ғазначилик тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган бюджет тизими бюджетлари даромадларининг тушишини таъминлаш ва харажатларини амалга оширишни, шунингдек уларнинг ижроси билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишни назарда тутади. Бюджет тизими бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ғазна ижроси йўли билан амалга оширилади. Молия вазирлигининг ахборот тизимида бюджет тизими бюджетлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар учун шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар ўзининг харажатлар сметасида назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни молия йили тугагунига қадар сарфлашга ҳақлидир.

Маҳаллий бюджетларда давлат хариди жараёнида ғазначилик бўлинмалари томонидан дастлабки назоратни амалга ошириш орқали қўйидаги ижобий натижаларга эришилади:

- давлат хариди жараёнида амалга оширилаётган ислоҳотларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш имкониятини яратиш;

- давлат харидлари тизимида юзага келиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар ҳамда коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва бартараф этиш;

- барча худудларда ва турли даражадаги маҳаллий бюджетларда давлат харидларининг бир хилдаги ижросини таъминлаш;

- бюджет буюртмачиларига давлат харидлари бўйича янги маълумот ва маслаҳатлар бериш.

Давлат бюджети ғазна ижросида кассали режалаштириш ва Ягона ғазна ҳисобварағига ўтилиши ғазначилик технологияларини ривожлантириш борасидаги муҳим масаладир. Давлат бюджети маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларни тезкор бошқариш тизимини жорий этиш, марказлашган тарзда Ягона ғазна ҳисобварағи ликвидлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғазначиликнинг ахборот тизимида ходимлар томонидан Ягона ғазна ҳисобварағи орқали амалга ошириладиган дастлабки ва жорий назорат тартибини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни. 2019 йил. 9 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонуни. 2020 йил 25 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори. 2018 йил. 26 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон Фармони. <http://lex.uz/docs/3107036>
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. -Б.29.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 26 йиллиги тантанали маросимида маърузаси. 2018 йил. 8 декабрь.
8. Болтабоев Т. Давлат харажатларини бошқариша ғазначилик тизимининг аҳамияти. //Бозор, пул ва кредит. 2013 йил. №6. -Б.17-18.
9. Касимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. Тошкент. Фан ва технологиялар. 2007. -396.
10. Касимова Г.А., Шаакрамов К. Маҳаллий бюджетлар. Ўқув қўлланма. -Т.: “Молия”. 2018. -269.
11. Kasimova G. G'aznachililik faoliyatini tashkil qilish. O'quv qo'llanma. Toshkent. Iqtisod-moliya. 2005. 227.
12. Kasimova G. Davlat budgeti ijrosining g'aznachililik tizimi. O'quv qo'llanma. -T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2018. 212.
13. Kasimova G.A. G'aznachililik. O'quv qo'llanma. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2015. -572.
14. Мейлиев О. Давлат молиявий бошқарувини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларининг эркинлигини таъминлаш масалалари. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида ғазна ижроси ва ҳисобини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Т. 2021 йил. 14 апрель. -Б.114-116.
15. Tuychiyev A.J., Ostонокулов А.А., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik. - Т.: "IQTISOD MOLIYA" 2019. -390.
16. Хайдаров М.Т. Ғазначиликнинг институционал тараққиёти моҳияти. // Иқтисод ва молия. - Тошкент. 2012.- № 10.-Б.13-18.
17. Эшназаров Т.Ш., Мансуров М. М. Давлат ғазначилигининг ягона ғазна ҳисобварағи ва уни ривожлантириши истиқболлари. // Иқтисодиёт ва молия. 2013. № 9. -Б.17-25.